



**ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА
ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.**

**FACTORS INFLUENCING THE ATTRACTIVENESS OF THE
INVESTMENT ENVIRONMENT IN TEXTILE ENTERPRISES.**

**ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТЬ
ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ НА ТЕКСТИЛЬНЫХ
ПРЕДПРИЯТИЯХ.**

Шерзод Солижонович Махсудов

Фаргона давлат университети тадқиқотчи

***Аннотация:** Мазкур мақолада корхона бозор қиймати, даромад манбаини ошириш; узоқ муддатли истиқбол, иқтисодий салоҳиятни ошириш, жалб этилган инвестициялар самарадорлигини ошириш, инвестиция фаолиятларини молиялаштириш, инвестицияларнинг самараси ва самарадорлик кўрсаткичлари, инвестицион ресурслари, инвестицион фаолият объектлари назарий жихатдан асослаб берилган.*

***Калим сўзлар:** Тўловга қобиллиги, инвестиция рисклари, Саноат корхоналар, инвестицияларнинг самараси, режалаштирилган кўрсаткичлар, корхона фойдаси, узоқ муддатли активлар, инвестицион сиёсат, инвестициялаш, инвестиция жараёни.*

***Annotation:** This article discusses the market value of an enterprise that increases the source of income; long-term perspective, increase in economic potential, increase in the efficiency of attracted investments, financing of*



investment activities, indicators of efficiency and effectiveness of investments, investment resources, objects of investment activity are substantiated from a theoretical point of view.

Key words: *Solvency, investment risks, Industrial enterprises, investment efficiency, planned indicators, enterprise profit, long-term assets, investment policy, investments, investment process.*

Аннотация: *В данной статье рассматривается рыночная стоимость предприятия, увеличивающего источник дохода; долгосрочная перспектива, увеличение экономического потенциала, повышение эффективности привлекаемых инвестиций, финансирования инвестиционной деятельности, показатели эффективности и результативности инвестиций, инвестиционных ресурсов, объектов инвестиционной деятельности обоснованы с теоретической точки зрения.*

Ключевые слова: *Платежеспособность, инвестиционные риски, Промышленные предприятия, эффективность инвестиций, плановые показатели, прибыль предприятия, долгосрочные активы, инвестиционная политика, инвестиции, инвестиционный процесс.*

Ўзбекистонда тўқимачилик саноати корхоналарида, жумладан, соҳада инвестицион фаолиятни оптималлаштириш ва уларда бошқарув жараёнларини такомиллаштириш, тармоқда қўшилган қиймат занжирининг тўлақонли шакллантириш орқали соҳа корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини ошириш, шу орқали бандликни таъминлаш, аҳолининг тўқимачилик саноати маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш бўйича мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатда ушбу чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида "... тўқимачилик корхоналарида экспортдан валюта тушумини кутмасдан, қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тартиби



амалда ўз самарасини берди”. Бу соҳада Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишда тўқимачилик корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, соҳа субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ривожланишини ҳар тамонлама илмий тадқиқ этишининг долзарблиги ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва инвестиция фаолияти тўғрисида» 2019 йил 25 декабрдаги 598-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида», 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 12 февралдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4186-сон, 2020 йил 5 майдаги ПҚ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 16 ноябрдаги ПФ-14-сон «Пахта тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 30 сентябрдаги ПФ-228-сон «Тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2023 йил 10 январдаги ПФ-2-сон «Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2024 йил 1 майдаги ПФ-71-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»




мазкур йўналишдаги бошқа меъёрий-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Инвестицион муҳит жозибадорлигининг намоён бўлиши кўпроқ мазкур тушунчанинг иқтисодий мазмунини илмий изоҳлашни талаб этади ва Ўзбекистон Республикасида инвестицион маконнинг юқори даражадаги номутаносиб тақсимотидан келиб чиқади. Кўпинча, «инвестицион жозибадорлик», «инвестицион муҳит», «иқтисодиёт рақобатбардошлиги» тушунчаларини маънодош сифатида ишлатилади ва бу, бизнинг фикримизча, муайян чалкашликларни келтириб чиқаради. Бунга сабаб, инвестицион жозибадорлик инвестициялаш ихтиёрий ячейкасининг (ташкилот, маҳаллий ҳокимият, ҳудуд, давлат) ички ва ташқи муҳити билан белгиланади.

Тадқиқотчи Х.Хофизов тадқиқотларида “инвестицион жозибадорлик сифатида иқтисодий тизим барқарор ривожланишига қаратилган иқтисодиётга керакли миқдордаги ва сифатдаги инвестициялар кириб келишини таъминловчи ижтимоий-иқтисодий шароитларини тавсифловчи иқтисодий категорияларни тушуниш лозим”лиги қайд этилади.

Бизнинг фикримизча, икки умумлаштирувчи тавсиф – «инвестицион салоҳият» ва «инвестицион фаолиятнинг нотижорат risks» кўрсаткичларининг ўзаро нисбатидан келиб чиқиб ифодаланади. Бунда шуниси хусусиятлики, инвестицион салоҳият қанчалик юқори бўлса ва инновацион фаолият risks қанчалик паст бўлса, инвестицион жозибадорлик ҳам шунча юқори бўлади ҳамда бунинг оқибатида инвестицион фаоллик ҳам ошади.



1-расм. Инвестицион жараёнларни ички ва ташқи муҳити элементлари .

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, қуйидаги муаллифлик таърифи инвестицион муҳит жозибадорлиги тушунчасининг моҳиятини тўлароқ очиб беради деб ҳисоблаймиз: «Инвестицион муҳит жозибадорлиги – мамлакат, тармоқ ва соҳаларга инвестициялар оқимини аниқловчи, таъминлашга имкон берадиган, кафолатланган ҳамда инвестицион фаоллик билан баҳоланадиган иқтисодий, ижтимоий ҳолат, жараён ва воситалар, имконият ва чекловлар йиғиндисидир» .

Ҳозирги замон талаблари ва реал ҳаётининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали



бошқариш йўналишлари илмий тадқиқига янгича ёндошувнинг фундаментал асоси шунга таянмоғи лозим.

Фикримизча, мамлакатимиз ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги янги инвестиция сиёсати доирасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб вазифаларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишларини тизимли тарзда тадқиқ этиш асосий масала қилиб қўйилиши ва унинг диққат марказида «инвестицион муҳит», «инвестицион салоҳият», «инвестицион фаоллик», «бизнес муҳити» каби ҳаётий белгиловчи омиллар мутаносибликларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш ётиши лозим.

Инвестицион муҳит жозибадорлиги бўйича берилган муаллифлик ёндашувида қуйидагиларни ҳал этишга имкон бериши лозим:

- Ўзбекистон Республикасида инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга янгича ёндошиш зарурлигини белгиловчи омилларни илмий таҳлил қилиш ва уларни самарали бошқариш механизмларини асослаш;

- табиий-иқтисодий, молиявий, меҳнат, корпоратив бошқарув ва маҳаллий ҳукумат органлари самарали фаолияти каби омиллар билан белгиланувчи имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига

- инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқариш ҳолатини омилли ва натижавий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш;

- иқтисодий ўсиш, модернизация ва диверсификация даражаси, ишбилармонлик муҳити, давлатнинг эркин ва махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш сиёсати ва иқтисодиётнинг очиқлигини комплекс ҳисобга



олувчи коэффициентлар билан айрим ҳолда баҳолаш ва омилларни тизимли тадқиқ қилиш орқали инвестицион муҳит жозибadorлигини самарали бошқариш истиқболларини прогноз қилиш бўйича услубий тавсиялар бериш;

- инвестицион муҳит жозибadorлиги ва инновацион ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқиб, уни самарали бошқаришнинг устувор омилларини аниқлаш имконини берувчи иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва унинг инвестицион салоҳиятга таъсирини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш;

- инвестицион муҳит фаоллигини ошириш борасидаги илғор хорижий тажрибалардан Ўзбекистонда фойдаланиш истиқболларини илмий асослаш;

- турли омилларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этишнинг янги концептуал схемаси асосида давлат томонидан инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришни такомиллаштиришнинг ўрта ва узоқ муддатли вазифаларни амалга оширишга қаратилган комплекс тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш.

Инвестицион муҳит жозибadorлигини бошқаришни такомиллаштириш илмий тадқиқига янгича ёндошув булардан ташқари яна давлатнинг инвестицион салоҳиятни бошқариш тизимини мукаммаллаштириш, инвестициялар оқимини кенгайтиришга қаратилган мақсадли стратегик вазифаларни ҳал этилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ханкелдиева Г.Ш. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантиришнинг назарий жихатлари —Biznes-Эксперт илмий журнали, 2022 й., 2-сон



2. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Корхоналар корпоратив бошқарувининг баҳолаш усуллари таҳлил қилиш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 5.
3. Хонкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республики Узбекистан. Т.: Иқтисодиёт ва таълим.
4. Махсудов, Ш. С. (2022). Эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни. Scientific progress, 3(4), 159-166.
5. Махсудов, Ш. С. (2022). Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг самарали йўналишлари.
6. Махсудов, Ш. С. (2022). Развитие свободных экономических зон в условиях трансформации рыночных отношений. Бюллетень науки и практики, 8(5), 450-456.
7. Махсудов, Ш. С. (2022). Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришда бошқарув органларининг ўрни. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 1(9), 370-375. Fars Int J Edu Soc Sci Hum 10(12); 2022; Publishing centre of Finland 931
8. Solijonovich, M. S. (2022). The role of government bodies in the development of free economic zones. International Journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(09), 132-137.
9. Махсудов, Ш. С. (2022). Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш. Gospodarka i Innowacje., 24, 993-995.
10. Solijonovich, M. S. (2022). The role of engineering and communication infrastructure in the organization and development of the free economic zone. asia pacific journal of marketing & management review issn: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(09), 97-102.